


# Тошкентдаги Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги масжидда илк таровеҳ намози ўқилди



22:37 / 11.05.2019 7116



Жорий йилнинг 10 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги мажмуага ташриф буюрган эди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган ушбу мажмуа барча мўмин-муслмонлар учун Рамазон тухфаси бўлди, десак муболаға бўлмайди. Мажмуанинг диққатга сазовор жиҳати, у барча қулайликларга эга, кенг ва шинам тарзда барпо этилганидир.

Бугун 2019 йил 11 май куни янги масжиднинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Масжидга Ўзбекистон муслмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ташриф буюриб, муслмонларни янги масжид ва Рамазон ойи билан муборакбод этди. Шундан сўнг, муфтий масжидга йиғилганларга янги тайинланган имом-хатибни таништириб ўтди. Масжидга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг фарзандлари Исмоил Муҳаммад Содиқ имом-хатиб бўлдилар. Қисқа таништирув ва маърузалардан кейин, муфтий Усмонхон Алимов бошчилигида илк таровеҳ намози адо этилди.


Исмоил Муҳаммад Содиқ 1976 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1994 йил «Исломий даъват куллияси»га ўқишга кирди. Тўрт йил бакалавр босқичида, сўнг икки йил магистратурада ўқиб, 2001 йили ушбу куллияни тамомлади. Шундан сўнг, элчихоналарда, диний таълим муассасаларида, нашр ишларида, сайт хизматларида ва таълим марказларида фаолият олиб борди. Ҳозирда Исмоил Муҳаммад Содиқ «Ҳилол нашр» матбаа нашриёти раҳбари. У киши расмий илм даргоҳларидан ташқари ўз оталари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳдан ҳам кўп таълим олган. Хусусан, «Тафсири Насафий» ва «Саҳиҳи Бухорий»дан ижоза олган. «Олтин Силсила»нинг таржимонларидан бири. Шайх ҳазратларининг барча китобларининг ношири ҳисобланади.




























[www.hazratim.uz](http://www.hazratim.uz)




[@hazratim.uz](https://www.facebook.com/hazratim.uz)



[@hazratim\\_uz](https://www.instagram.com/hazratim_uz)



[t.me/hazratim\\_uz](https://t.me/hazratim_uz)



[www.hazratim.uz](http://www.hazratim.uz)



[@hazratim.uz](https://www.facebook.com/hazratim.uz)



[@hazratim\\_uz](https://www.instagram.com/hazratim_uz)



[t.me/hazratim\\_uz](https://t.me/hazratim_uz)



[www.hazratim.uz](http://www.hazratim.uz)



[@hazratim.uz](https://www.facebook.com/hazratim.uz)



[@hazratim\\_uz](https://www.instagram.com/hazratim_uz)



[t.me/hazratim\\_uz](https://t.me/hazratim_uz)